



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 22 март, № 56 (7286)

Жума

Сайтимизга Ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАҲОР ВА БАХТ АЙЁМИ

Пойтахтимиздаги муҳташам «Нумо арена» мажмуасида ўтказилган
Наврўз байрами тантаналаридан репортаж.



Баҳор... Табиатда
уйғониш палласи.
Кўклам либосига
бурканган қир-
адирларда баҳор
элчилари —
бойчечаклар бодраган,
чучмомалар бош
кўтарган, кўзигуллар
заъфарон ранг олган.
Ариқ лабларида
ялпизлар бўй таратган.
Мовий кўкда қушлар
чуғурлашган.

Кўклам биз интиқ ва интизор
кутган, кўнгилларга шодлик
ва ҳузур бағишловчи ардоқли
байрамимиз Наврўзни олиб
келади...

Янги кун бошланди. Сахархез
боболарнинг нуруний чехраси-
дан, дуоғуй момоларнинг эзгу
тилакларидан, тонгни бешик
қучиб қаршилаган оналар алла-
сидан бошланди бу кун. Майин
еллар оғушида кириб келди у.

Халқимизнинг энг ардоқли
байрами қанот қоқиб бутун
юртимиз узра парвоз айлайди.
Ватанимиз бўйлаб эсаётган бу
муаттар насим ҳар бир хонадон,
ҳар бир оила, ҳар бир қалбга
кириб боради.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам
ватандошлар!

Қадрили меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Шу тароватли кунларда табиат
уйғониб, гўзал диёримизга
барчамиз орзиқиб, соғиниб
кутган Наврўзи олам кириб
келмоқда.

Минг йиллар давомида маъ-
навий ҳаётимизнинг кўрку
зийнати бўлиб келаётган бу
ажойиб, хосиятли байрам бугун
қалбларимизга яна чексиз қувонч
ва завқ бағишламоқда.

Азим пойтахтимизнинг мар-
казида бунёд этилиб, яқинда фой-
даланишга топширилган муҳта-
шам “Хумо” қошонасида сиз,
азизларни, сизлар орқали кўп
миллатли бутун халқимизни
Наврўз байрами билан чин
қалбдан табриклашни ўзим учун
катта шараф, деб биламан.

Мана шундай файзли, шодиё-
на айёмда барча шаҳар ва ту-
манларда, қишлоқ ва овулларда
Наврўз сайлини ўтказаяётган бар-
ча-барча юртдошларимга юксак
ҳурматим ва энг эзгу тилаклар-
имни изхор этаман.

Ҳаётингиз баҳор тонгидек
тинч, бахтли ва фаровон бўлсин!
Шарқона Янги йилмиз —
Наврўзи оламнинг қадами қутлуг
ва баракали келсин!
Ҳурматли дўстлар!

Айни шу бетакрор ва дилбар
фаслда барчамиз ўзимизни яша-
риб кетгандек, вужудимизга янги
куч-ғайрат, азму шижоат кирган-
дек ҳис этамиз. Неча юз йиллик
анъана ва қадриятларимизни ян-
гитдан кашф этамиз, қандай
буюк тарих, қандай буюк мада-
нийят ворислари эканлигини яна
бир бор англаймиз. Ва бундан
қалбларимиз гурур ва ифтихор-
га тўлади.

Бу йилги Наврўз байрами
ушбу муаззам саройда ўтаётган-
да ўзига хос рамзий маъно
бор, албатта. Афсонавий Хумо
қуши — эзгулик ва бахт тимсоли,
Наврўз эса баҳор ва бахт айё-
мидир. Бу икки улуг тимсол, яъни
Хумо ва Наврўз фалсафаси ўзаро
уйғун бўлиб, ҳаётимизни янада
мазмунли ва мунаввар этгай,
иншооллох.

Азиз юртдошлар!
Барчамизга маълумки, Наврўз
— янги кун, янги фасл демакдир.
Бугун она табиат бағрида
янгилиниш ва яшариш фасли
бошланмоқда.

Жонахон Ўзбекистонимиз ҳам
бугун ўз миллий тараққиётининг
янги даврига қадам қўймоқда.

Бу — эркинлик ва озодликнинг
янги даври, бунёдкорлик ва
фаровонликнинг янги, юксак
босқичидир.

Бу — “Халқ манфаати ҳамма

нарсадан улуг” деган эзгу ғоя
амалий ишлар билан ўз тасди-
ғини топаётган даврдир. Янги-
янги уй-жойлар, замонавий кор-
хоналар, таълим, тиббиёт, мада-
нийят ва спорт масканлари, обод
қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чи-
ройига чирой кўшаётган давр бу.
Катталарга ҳурмат, кичиклар-
га иззат, мададга муҳтож инсон-
лар ва оилаларга чинакам кўмак
ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат
кўрсатиш ҳаётимиз қоида-
сига айланиб бораётган давр бу.

Бу — жаҳон ҳамжамияти билан,
энг аввало, яқин қўшниларимиз
билан дўстлик ва ҳамкорлик
эшиклари кенг очилаётган за-
мондир.

Бу — ўзгариб, куч-қудратга
тўлиб бораётган, дунё аҳли эъти-
роф этаяётган янги Ўзбекистондир.

Айни ҳаётимизда барча-
си — биз танлаган олис ва ма-
шаққатли йўлдаги дастлабки
қадамлардир.

Бугун кўпни кўрган, мард ва
олижаноб халқимиз ўзининг фи-
дорона меҳнати билан, кела-
жакка мустақам ишончи билан
шонли тарихимизнинг янги саҳи-
фасини яратмоқда.

Ушбу қутлуг айёмда мана шун-
дай меҳнаткаш, матонатли,
баргикенг, Ватанга садоқатли
халқимизга фарзандлик меҳрим
билан чин юрагимдан таъзим
қиламан.

Муҳтарам дўстлар!
Наврўз ўзининг ўлмас руҳи,
умуминсоний ғоялари билан ба-
шарият ҳаётининг тобора чуқур
ўрин эгалламоқда. Барчангизга
аёнки, Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг қарори билан
21 март — бутун дунёда Халқаро
Наврўз кuni сифатида кенг
нишонланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, биз-
га ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб,
мана шу муҳташам қошонамизга
ташриф буюрган чет давлатлар-
нинг муҳтарам элчиларини,
халқаро ташкилотлар вакиллари-
ни, барча хорижий меҳмонлари-
мизни, олис ва яқин мамлакат-
лар халқларини Наврўз байрами
билан табриклаб, уларга тинчлик,
равнақ ва фаровонлик тилашга
руҳсат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандош-
лар!

Бепоен юртимизни қамраб ол-
ган халқ сайилларида бугун “**Халқ
қуниимиз Наврўз бўлсин!**” де-
ган эзгу тилаклар янграмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Наврўз ўзининг
буюк қудрати билан табиатни уй-
ғотмоқда. Ислохотлар эса жами-
ятни, халқимизнинг онгу тафак-
кури, бекиёс салохиятини уйғот-
моқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз-
да амалга оширилаётган барча
ислохот ва ўзгаришлар айни шу

улуг мақсадга — ҳар кунимиз
Наврўз бўлишига, яъни эл-юрти-
миз ҳаётининг обод ва фаровон
бўлишига қаратилганини сиз,
азизлар яхши биласиз. Биз шу
йўлда ўз олдимизга улкан марра
ва вазифаларни қўйдик ва улар-
ни халқимиз билан бирга албат-
та амалга оширамиз.

Бугун миришкор деҳқон ва
фермерларимиз катта орзу-ният-
лар билан янги меҳнат мавсуми-
ни бошламоқда. Барчамизнинг
тилагимиз битта: йилмиз қутлуг
келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин,
меҳнатингиздан барака топинг,
қадрили дўстлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар!
Мунис опа-сингиллар!
Қадрили ака-укалар!
Халқимизнинг ишончи ва
таянчи бўлган навқирон ёшлар!
Азиз фарзандларим!

Ҳаммамиз учун суякли ва ар-
доқли Наврўз байрами билан
барчангизни яна бир бор чин
дилдан табриқлайман!

Наврўз ҳар бир хонадонга, бу-
тун эл-юртимизга тинчлик-хотир-
жамлик, бахту саодат, қут-бара-
ка олиб келсин!

Барча эзгу ният ва мақсадлар-
имиз амалга ошсин!

Ватанимиз янада обод, халқ-
миз доим омон бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга
муборак бўлсин!

Шуқуҳ

Байрам тадбирлари вилоятнинг барча
шаҳар ва туманларида, маҳаллаларида
давом этмоқда.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Бухоро вилояти

108 гектар майдонни эгаллаган Бухоро ма-
даний марказида байрамнинг асосий тадби-
ри бўлиб ўтди. Халқимизга хос миллий урф-
одатлар, анъаналар, қадриятлар намоиши-
га айланган тадбирда миллий маданий мар-
казлар ҳам фаол иштирок этди.

— “Ўзбекистон — умумий уйимиз” шиори
остида фестиваль ўтказдик, — дейди вилоят
немис миллий маданият маркази раҳбари
Лубат Штирценбехер. — Бугун эса Наврўзни
биргаликда нишонлаяпмиз. Тинч ва осойиш-
та юртимизга байрамлар ярашади. Ўзбекона
айтганда, бошимиз тўйдан чиқмасин.



(Давоми 2-бетда).



Наврўзи олам хонадонларимизга, кўнгилларимизга қувонч олиб кирди

Наврўз — барчамиз учун сеvimли айём. Ушбу бетакрор байрамни қутиб
олишнинг ўзига яраша завқи бор. Бу паллада юртимизнинг жамики гўшаларидаги
майдонлар безатилади. Қўшиқлар, рақслар, фольклор жамоалари чиқишлари,
миллий ва спорт ўйинлари барчанинг диққат-марказида бўлади.

Бу йил ҳам юртдошларимиз Наврўзни пок ният, эзгу мақсадлар, шоду хуррамлик
билан қарши олишмоқда.

Сайилларда қувонч ва завқ ҳукмрон

Қорақалпоғистон Республикаси

Оролбўйининг шаҳару қишлоқларида
айёмга бағишланган театрлаштирилган
томашлар давом этмоқда. Шуманай,
Қораўзақ, Кегейли, Тўртқўл, Эллиқалъа,
Чимбой, Кўнгирот туманларининг диққатга
сазовор жойларидан тортиб, энг чекка худуд-

ларгача сайил иштирокчилари билан гавжум.
— Маҳалламизда 5 минг 600 нафардан
зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди
“Навбахор” МФЙ оксоқоли А. Еримбетов. —
Наврўз сабаб ёшу кекса тадбирларда фаол
қатнашапти. Бу навқирон авлод тарбиясида
муҳим аҳамият касб этади.

Байрам муносабати билан кам таъминлан-
ган оилаларга моддий ва маънавий кўмак
кўрсатилди, нуруний отахону онахонларга
совға-саломлар улашилди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар



◀1

Болажонлар учун масканлар

Жиззас виллоят

Баҳорнинг бетакор байрами арафасида виллоятда саноат қорхоналаридан ташқари, бир нечта мактабгача таълим муассасалари ҳам фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Шароф Рашидов туманидаги Янгиобод маҳалласида ана шундай масканлардан бири болажонларга тақдим этилди. Бу ерда 140 нафар жажжи ўғил-қиз рус ва инглиз тилларини ўрганади.

Богча бошлиғи Азиза Махитованинг сўзларига кўра, лойиҳа рўёбига 4,7 млрд. сўм сарфланди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари мактабгача таълим муассасаларига бепул боради.

Айём арафасида туманда “Кумушбиби кўзумчок” деб номланувчи яна бир мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. Умуман, бу йил Шароф Рашидов туманининг ўзида тўртта давлат ва 20 та хусусий болалар богчаси очилди.

Халқ ўйинлари ва фольклор санъати

Навоий виллоят

Байрам кунлари 2 мингга яқин эҳтиёжманд оилалар, шу жумладан, 300 нафар ногиронлиги бўлган ва ёлғиз қарилар ҳолидан хабар олиниб, улар хонадонларига ҳам байрам кайфияти улашилди. Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида Навоий шахридаги барча қорхонаю ташкилотлар, таълим муассасалари, маҳаллалар ҳамкорлигида кўнгилочар ўйинлар, фольклор санъати, кўпқари, кураш каби мусобақа ва беллашувлар ташкил этилмоқда. Дошқозонларда сумалак, ҳалим, ош пиширилиб, аҳолига тарқатиляпти.

Салкам етти тонналик сумалак

Наманган виллоят

Наманган шахридаги Захириддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган “Сумалак сайли” туризм ва миллий қадриятлар иккинчи фестивалига таширф буюрганлар бир-биридан ажойиб тадбирларга гувоҳ бўлишди. Айниқса, Тошкент виллоятининг Олмалиқ шахридан келтирилган, оғирлиги 10 тонна 280 килограмм бўлган улкан қозонда 25 нафар пазанда онахон томонидан тайёрланган баҳорий нэмзат — сумалак кўпчилиكنинг эътиборини тортди.

— Уни пишириш учун дошқозонга 1,2 тонна буғдой, 2,5 тонна ун, 300 килограмм ёғ ва бошқа масаллиқлар солинди, — дейди кайвони онахон Мавлудахон Жўрабоева. — Мақсадимиз 6 тонналик сумалак тайёрлаш эди.

Собик тузумнинг мамлакатимизда олиб борган пахта яккахокимлиги сиёсати халқимиз бошига катта синов ва машаққатлар келтирди.

Эхтиром
Чинозда
Турсуной Охунованинг хотира мажмуаси очилди



Айни вақтда у жафокаш халқимизнинг орияти, фидоилигини, лафзи ҳайол ва меҳнатсеварлигини бутун оламга кўрсатиб берди. Халқимизнинг ёппасига пахтакорга айлантирилиши, далаларда қиш қаҳратонигача пахта терилиши, бу жараёнда, айниқса, аёллар, навниҳол қиз-жувонларнинг қўл меҳнатидан аёвсиз фойдаланилгани чинозлик оддий аёл Турсуной Охунова каби ўз даврининг қаҳрамонларини яратган.

Турсуной ўн етти ёшида трактор бошқарган. Механизатор қиз ўз даврининг энг олий нишонига биринчи марта таба лойиқ қўрилганида, бор-йўғи, 22 ёшда бўлган.

Турсуной аянинг бронза бюсти у ҳаётлик чоғидаёқ қишлоқимизга ўрнатилган эди, — дейди чинозлик журналист Сурайё Аҳмедова. — Ая ҳар сафар мана шу жойдан ўтаётганида ўз бюстини кўриб, жуда хижолат бўлар эдилар.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ («Халқ сўзи»)
Равшан МИРЗАКУЛОВ олган сурат.

Наврўзи олам хонадонларимизга, кўнгилларимизга қувонч олиб кирди

У пишгач, оғирлиги ўлчаб кўрилди, 6 тоннаю 920 килограмм қикди. Мазаси ҳам кўпчиликка манзур келди.

Сайил доирасидан ўрин олган “Дўппидек ош” фестивали, тандир таомлари шоуси, концерт томошалари, миллий ўйинлар намойиши, Наманган шахридаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ ҳамда хатна тўйлари кутлуг айёмга янада файз бағишлади.

Ободлик гашти

Самарқанд виллоят

Кўҳна Самарқанднинг қай бир гўшасига борманг, хайрли ишларга иштиёқманд инсонлар ташаббуси, меҳнати, савй-ҳаракати билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни кўриб ҳайратга тушасиз, завқ olasиз.

Мана, айни кунларда воҳанинг ҳар бир кўчаси, хиббони, маҳалласида бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Яхши ният билан ниҳол ўтқазаётган, ариқ ҳамда зовурларни тозалаятган, йўллар ва кўприкларни созлаятган, ободончилик ишларида иштирок этаётганларнинг саногига етиш қийин.

Байроғимиз Гулистонда ҳам баланд ҳилпирайди

Сирдарё виллоят

Гулистонда бўлиб ўтган Наврўз шодиёналари Ватанга садоқат намунаси — юрт байроғини шарафлаш билан бошланди. Мадҳия-миз ижроси асносида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи — “Юрт байроғи” майдонидаги пурвиқор флагштокка кўтарилди. Мазкур тантанадан сўнг виллоятдаги эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказиб берилди.



Айтиш лозимки, Сирдарёда бу йилги байрам майдони янада кенг олинди, Наврўз ҳақиқий халқ сайлига айланди. “Юрт майдони”, “Билимдонлар маскани”, “Театр майдони”, амфитеатр, истироҳат боғи — барчаси аҳоли билан гавжум бўлди.

Шунингдек, байрам арафасида Гулистон шахрида қарийб 100 та иш ўрнига эга “Шарқ текс” тикувчилик цехи, гимнастика спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, Боевут туманида универсал спорт иншооти тантанали равишда очилди.

Хофизнинг илҳоми жўш урди

Сурхондарё виллоят

Кутлуг айём Сурхон воҳасининг муаззам шахарларию бетакорр қишлоқларида ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда. Термиз туманидаги “Қарвонсарой” мажмуасида ўтказилган халқ сайлида ҳар бир ҳудуднинг рамзий кўргонлари барпо этилиб, унда миллий урф-одат ва анъаналар, боқий қадриятлар кенг намойиш қилинди.

Байрам тадбирига қўшни Афғонистон Ислои Республикаси ва Тожикистон Республикасидан ҳам расмий меҳмонлар таширф буюрди.

— Тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги қўшничилик ва дўстлик муносабатлари бугун ўзининг азалий ўзанларини топди, — дейди Тожикистон Республикаси халқ артисти Жўрабек Муродов. — Ҳар жиҳатдан туташ икки қардош халқ ўртасида борди-келди алоқаларининг йўлга қўйилгани туфайли кўксимизда кўёш порлагандек бўлди. Бугун биз Ўзбекистонга келиб, кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиромдан шодланган бўлсак, ҳадемай, Тожикистонда ўзбекларга мезбонлик қилишга интизоримиз!

Ёшлар фестивалида урф-одатлар намойиши

Тошкент виллоят

Наврўз шодиёналари бу йил биринчи маротаба виллоят маъмурий маркази — Нурафшон шахрида ўтказилмоқда. Тошкент йўли кўчасининг икки тарафи, боғу майдонлар яхлит сахна кўринишига келтирилди. Виллоятнинг барча шахар ва туманларига белгиланган ҳудуд дид билан безатилди. Дошқозонлар ўрнатилди. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, удумларимиз намойиш этилди. Кўй-қўшиқлар, лапарлар янгради.

“Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” деб номланган ёшлар фестивали байрамга ўзгача файз киритди. Виллоятдаги болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг чиқишлари барчага завқу шавқ улашди.

Унутилмас кун

Фаргона виллоят

Наврўз сўлии Фарғонанинг маданият ва истироҳат боғлари, маҳалла гузарлари, таълим муассасаларида зўр шоду хуррамлик билан нишонланмоқда. Байрам арафасида Фаргона виллоят фавкуллода вазиятлар

бошқармасининг ҳарбий хизматчилари учун янги уй-жой мажмуаси фойдаланишга топширилди.

— Оиламиз учун байрам бу йил кўшалок келди, — дейди “Жасорат” медали соҳиби лейтенант Анваржон Мамажонов. — Уч хонали уйда барча шароит ташкилланган. Албатта, бундай эътибор бизни янада куч ва ғайрат билан хизмат қилишга ундайди.



Бразилиялик сайёҳ таассуроти

Хоразм виллоят

Байрам кунларида Гурлан, Хива, Янгиарик, Қўшқўпир туманларида барпо этилган 10 та мактабгача таълим муассасаси қарийб 1000 нафарга яқин болажонларни ўз бағрига олди. Шунингдек, замонавий архитектура ютуқлари асосида қурилган 4 та меҳмонхона иш бошлади.

Шарқона Янги йилнинг бошланиши эзгу тадбирлар билан янада файзли ҳамда эсда қоларли кечди. Хусусан, Хива шахрида бир гуруҳ эҳтиёжманд фуқаролар янги уй-жойларга эга бўлишди.

Жойларда ташкил этилган халқ сайилларида хорижийлик сайёҳлар ҳам қатнашди. Ҳўш, улар қандай таассурот олди? — Ўзбекистонга, Хоразмга биринчи бор келишим, — дейди бразилиялик сайёҳ Хелтон де Аравжо Рибейро. — Наврўз сайли баҳонасида халқингизнинг бетакорр, гўзал анъаналари, санъати, маданияти ҳақида кўпдан-кўп маълумотларга эга бўлдим. Сумалак, илдрима, кўкбарак каби кўклам таомларидан татиб кўрдик. Мазасига гап йўқ!

Айёмлар муносабати билан қўшимча дам олиш кунлари жорий этилаётгани ички туризм ривожига ҳам катта туртки берапти.

Табиий амфитеатр

Қашқадарё виллоят

Яшариш ва ангиланиш айёми виллоятнинг ҳар бир тумани, қишлоқларида ўзгача тантана қилиняпти. Қир-адирларда от чоптирган чавандозлар завқи юз чандон ошди. Дара ва сойлиқлар байрам сайиллари ҳамда спорт мусобақалари учун атайлаб тайёрлангандек табиий амфитеатр тусини олди.

Миллий кураш мусобақалари, дорбозлар томошаси, виллоят санъат усталари ҳамда фольклор жамоалари ижросидаги концерт дастурлари, шунингдек, кўргазма ҳамда савдо ярмаркалари ташкил этилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Маънавият

Ногиронлиги бўлган навоийлик йигит аравача ўрнига китоб беришларини сўради

Навоий шахридаги Умид маҳалласида яшовчи ўн олти ёшли Жасур Бердиев фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг Наврўз байрамига совға сифатида олиб келган ногиронлик аравачаси ўрнига китоб беришларини илтимос қилди.

— Насиб этса, яқин орада ўзим оёққа туриб кетаман, — дейди Жасур. — Шу кунгача икки юздан ортқ китоблардан маънавий дармон олдим. Ўқиганим сайин кучимга куч қўшилаётганини ҳис этмоқдаман. Мутасаддилар Жасурнинг илтимосини қаноатлантириб, унга 20 та китоб ва ноутбук совға қилишди. Гуруҳ сафида хонадонга

ҳамда уй бекаси келинига тикув машинаси топширишди.

Бундан ташқари, шу кун яна ногиронлиги бўлган олти нафар кишига тикув машинаси, 4 нафарига ногиронлик аравачаси ва 5 нафарига ошхона машиий жамламаси совға қилинди.

Шаҳардаги қўзи оғизлар мактаб-интернатининг ўз мучал тўйини нишонлаётган беш нафар ўқувчиси эса бошдан-оёқ байрамона либос билан таъминланди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

қилиш каби юмушларни янада жадаллаштирилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти минтақадаги давлатлар билан трансчергаварий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишга доир савй-ҳаракатлари кўп йиллардан буюн ечилмай келаётган масалалар ҳал этилишига хизмат қилляпти. Қўшни давлатлар билан сув ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлиқни ривўжлантириш борасида икки томонлама Ишчи гуруҳлар тузилиб, келишувларга эришилмоқда.

БМТнинг турли ташкилот ва дастурлари, Швейцария тараққийёт ва ҳамкорлик агентлиги, Корея халқаро ҳамкорлик ташкилоти (KOICA), Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Марказий Осиё минтақавий экологик маркази сингари қатор халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий давлатлар инвестициялари ҳамда грант маблағларини жалб этган ҳолда, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш, соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилаш борасида кўламли ишлар бажарилляпти. Зеро, бугун тоза сув тақчиллиги умумбашарий муаммога айланиб бораётган экан, бу савй-ҳаракатлар ҳаётий заруратдир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Аскарлар уйига қайтди

Шимоли-Фарбий ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида муддатли ҳарбий хизматчиларни уйларига қузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Бу ҳақда Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди.

Тадбирда хизмат бурчини ўташ чоғида намунали ҳулки ва тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турган аскарларга тавсиянома ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имтиёзли кредитлар олиш имконини берувчи сертификатлар топширилди.

Айтиш жоизки, муддатли ҳарбий хизматдан қайтганларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида давлатимиз томонидан қатор имтиёзлар жорий этилиб, йилдан-йилга такомиллаштириб боришмоқда. Масалан, 2005 йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун мамлакатимиз олий ўқув юртиларига ўқишга киришда тест си-

новларида тўпладаниган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз тақдим этилган бўлса, 2012 йилдан эътиборан бу кўрсаткич 27 фоиз қилиб белгиланган эди. 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб эса ҳарбий қисм

Бурч

қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган фуқароларга юртимиздаги барча олий таълим муассасасига ўқишга киришда тест синовларида тўпладан бошлай 50 фоизи миқдорда қўшимча балл бериладиган бўлди. Бу орқали жуда кўп ўғлонлар бугун олий таълим муассас-



саларида таҳсил олишяпти. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредитлардан фойдаланиш барчасида яратилган қулайлик ҳам диққатга сазовор.

Маросимда ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, полковник Д. Чориев ва бошқалар йигитларга муваффақият тилади.

Шавкат ОРИҚОВ («Халқ сўзи»).

Мудофаа вазирлиги Матбуот хизмати сурати.

22 март — Бутунжаҳон сув кун

Бугунги кунда дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви этишмайдиغان ҳудудларда истикомат қилаётди. БМТ экспертлари томонидан Ер шари нуфуси 2030 йилда 8,6 миллиард кишига, 2050 йилга бориб эса 9,8 миллиард нафарга етиши тахмин қилинмоқда. Бу сувга бўлган талаб ортади, деганидан.

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан БМТ Тараққийёт дастури, Осиё тараққийёт банки, Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг Ўзбекистондаги филиали, Швейцария тараққийёт ва ҳамкорлик агентлигининг юртимиздаги ваколатхонаси, Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти ваколатхонаси вакиллари иштирокида “Ўзбекистонда сув ресурслари ва улардан фойдаланишнинг долзарб масалалари” мавзусида ташкил этилган анжуманда шулар ҳусусида сўз юритилди.

Биламизки, Марказий Осиё давлатларининг асосий сув манбалари Амударё ва Сирдарё ҳисобланади. Лекин ҳозирги глобал иқлим ўзгариши ушбу ҳавзаларнинг сув ресурсларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Чунончи, сўнгги пайтларда минтақамизда сув кам бўлган мавсум-



лар тез-тез такрорланыпти. 2000 йилга қадар ҳар 6 — 8 йилда сув тақчиллиги қузатилган бўлса, кейинги вақтларда бундай ҳолат ҳар 3-4 йилга тўғри келаётди. Бундан кўринадики, сувнинг ҳар томчисидан оқилона ва унумли фойдаланиш энг долзарб вазифалардан бирига айланган. Шу маънода, БМТ Бош Ассамблеясининг 1992 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган конференциясида сув ресурсларидан оқилона, тежаб-

йилда эса “Сув муаммоси — жамият муаммоси”нинг. Унинг ечими ҳеч кимнинг назаридан четда қолмаслиги керак” шиори остида нишонланмоқда.

Республикамизда фойдаланиладиган сув ресурсларининг 80 фоиздан ортиги қўшни республикалар ҳудудидаги музликлар ҳисобига шаклланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш маса-

гилаб берилган вазифалар эса сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқларини обихайёт билан барқарор таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, канал ва коллектор тармоқлари, сув оморлари, насос станциялари ҳамда гидротехника иншоотларини самарали ишлатиш, амалиётга тежамкор технология ҳамда услубларни татбиқ

BOG'DOD KARVON ҚУРИЛИШ КОМПАНИЯСИ

«BOG'DOD KARVON» МЧЖ

юртиமிழ аҳлисини

Наврўз

тантаналари билан табриклайди!

Яшарин ва янгилашини раизи бўлган ушбу кўнлик сана ҳар бир хонадонга кўн-барака олиб келишига тилакдошимиз. Юртиமிழ тинч, осмонимиз мўсаффо бўлсин!

ASAKA BANK

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

21 март **НАВРЎЗ**

Яшилликка бурканган табиат шиддати ҳар бир дилга Наврўзона кайфият улашсин. Қалбингиз эзгуликларга лиммо-лим тўлсин! Байрамингиз муборак бўлсин!

«Асака» банки жамоаси

Хизматлар лицензияланган.

Ассалом, Наврўз!

«Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки Сизни баҳор ва янгилашни байрами — Наврўз айёми билан самимий кутлайди! Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, чексиз омад ва фаровонлик тилайди! Баҳорий кайфият доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

facebook.com/HamkorBank.uz t.me/Hamkorbankuz instagram.com/hamkorbank_jscb/ www.hamkorbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

IPOTEKA BANK

«Ипотека-банк» АТИБ жамоаси республикамиз фуқароларини баҳорнинг шукуҳли айёми — Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади! Кўнглимизни яшаришга монанд кайфият ҳеч қачон тарк этмасин! Юрт фаровонлиги йўлида олиб бораётган шарафли, шу билан бирга, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайди.

Хизматлар лицензияланган.

(“Халқ сўзи” нинг навбатдаги сони 26 март, сешанба куни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 943 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

ТАХРИРГАТ КЕЛГАН ҚЎЛЪЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.
Газетанинг сўзаси берилиши учун олушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалавди.

ТАХРИРАТ ПОЛИГРАФИК ЖИХАТДАН СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МАСЪУЛ.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.